NAMANGAN HAQIQATI

VILOYAT HOKIMLIGINING NASHRI

82 – 83 – son (20409) | 22-oktabr 2026-yil

NAMHAQIQATI.UZ | NAMHAQIQATI | @NAMANGANHAQIQATI_RASMIY | NAMHAQIQATI | NAMHAQIQATI



БАРМОҚЛАР ТЕЗ ФИКРЛАР САЁЗ



Бугун интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Кимдир янгиликларни кузатади, кимдир ўз фикрларини бошқалар билан бўлишади, яна кимдир турли мавзулардаги баҳс-мунозараларда иштирок этади. Бир қарашда, бу оддий кундалик жараён. Аммо интернетдаги мулоқотимиз орқали нафақат дунёқарашимиз, балки саводхонлигимиз, муомала маданиятимиз ва маънавий қиёфамиз ҳам намоён бўлади. Шу маънода, бугун ҳар биримиз ўзимизга бир саволни беришимиз керак: интернетда ҳам саводхонлик ва одобга амал қиляпмизми?

Аслида, тил маданияти фақат китоб ўқиш, расмий ҳужжатлар тайёрлаш ёки минбардан нутқ сўзлаш билан чекланмайди. У инсоннинг кундалик ҳаёти, оддий ёзишмалари, ижтимоий тармоқлардаги изоҳлари ва муносабатларида ҳам акс этади. Демак, рақамли макондаги ҳар бир мулоқот ҳам тил маданиятининг муҳим бир кўринишидир.

Ижтимоий тармоқларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ерда ёзилган биргина фикр бир неча сония ичида минглаб инсонларга етиб бориши мумкин. Постлар, изоҳлар, реклама матнлари ва турли ахборотлар нафақат маълумот тарқатади, балки жамиятдаги умумий тил муҳитига ҳам таъсир кўрсатади. Айниқса, ёшлар кўп фойдаланадиган платформаларда имло қоидаларига бепарво муносабат одатий ҳолга айланса, бу уларнинг ёзиш ва фикрлаш маданиятига ҳам таъсир қилиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун, омма эътиборига ҳавола этиладиган ҳар бир матнга масъулият билан ёндашиш муҳим.

Баъзан ижтимоий тармоқларда сўзларни атайлаб бузиб ёзиш, тиниш белгиларини эътиборсиз қолдириш ёки фикрни шошма-шошарлик билан ифодалаш замонавийлик белгисидек қабул қилинади. Ҳолбуки, замонавий бўлиш билан саводли ёзиш бир-бирига зид тушунчалар эмас. Аксинча, замонавий инсон рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш билан бирга, фикрини аниқ, тушунарли ва маданиятли ифодалашни ҳам билиши лозим.

Афсуски, баъзан ижтимоий тармоқларда муайян масала юзасидан бошланган баҳс қисқа вақт ичида ҳақорат, масхара ва шахсиятга тегишга айланиб кетади. Фикрнинг асосланганлиги ўрнига кескин иборалар, далиллар ўрнига эса ҳиссиётлар устунлик қилади. Аслида, турлича фикрлаш табиий жараён. Ҳар бир инсоннинг қараши ва муносабати бир хил бўлиши шарт эмас. Бироқ фикрлар хилма-хиллиги ўзаро ҳурматни йўқотишга сабаб бўлмаслиги керак. Маданиятли мулоқот — ўз фикрини ҳимоя қилиш баробарида бошқаларни тинглаш, далилларга таяниш ва зарур ҳолларда ўз хатосини тан олиш қобилиятидир.

Бугунги рақамли даврда сунъий интеллект воситаларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Улар матн тайёрлаш, таржима қилиш, имловий хатоларни тузатиш ва фикрни равон ифодалашда катта ёрдам бериши мумкин. Лекин тайёр матнни текширмасдан эълон қилиш тўғри эмас. Чунки, сунъий интеллект ҳам мазмуний ноаниқликка йўл қўйиши, услубий жиҳатдан номувофиқ ёки нотўғри маълумот тақдим этиши мумкин. Шу боис, ҳар қандай матнни қайта ўқиш, унинг мазмунини англаш ва ҳаққонийлигини текшириш инсоннинг масъулияти бўлиб қолаверади.

Тил маданиятини асраш ва ривожлантириш фақат филолог, журналист ёки педагогларнинг вазифаси эмас. Бу жараёнда ҳар бир интернет фойдаланувчисининг ўз ўрни бор. Ижтимоий тармоққа пост жойлаштираётган инсон матнини қайта ўқиб чиқиши, ахборот тарқатаётган саҳифа маълумотнинг аниқлигини текшириши, реклама тайёрлаётган ташкилот эса ёзувнинг саводли ва тушунарли бўлишига эътибор қаратиши лозим. Оддий кўринган бу одатлар вақт ўтиши билан жамиятдаги умумий мулоқот маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бунинг учун барчани бир хил услубда ёзишга мажбурлаш эмас, балки ҳар бир инсонда масъулият ва ҳурмат туйғусини шакллантириш зарур.



Феруза ЭРКУЛОВА,
Наманган давлат университети халқаро ҳамкорлик бўйича проректори.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ПОЙДЕВОРИ



Сафибулло АБДУЛЛАЕВ,
Наманган давлат педагогика институти интеллектуал фанлар ва ахборот технологиялари кафедраси профессори, п. ф. д.

—Ахборот оқимлари тобора тезлашаётган, сунъий интеллект инсон фаолиятининг турли соҳаларига кириб бораётган бугунги шароитда ҳар бир мамлакат олдида муҳим вазифа турибди: билимни тараққиёт кучига, илмий ғояни амалий натижага, таълимни эса жамият келажагини белгилайдиган стратегик омилга айлантириш.

Бу жараёнлар Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, олий таълим сифатини ошириш, ёшларнинг интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш ва рақамли иқтисодиёт учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида ҳам айнан шу мақсад мужассам.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, илм-фанга таянган жамиятлар мураккаб муаммоларга ечим топиш, янги ишлаб чиқариш усулларини яратиш ва инсон ҳаёти сифатини яхшилашда катта имкониятларга эга бўлади. Шу маънода, илм-фанни ривожлантириш фақат олимлар ёки илмий муассасаларнинг вазифаси эмас. Бу — давлат, таълим тизими, ишлаб чиқариш корхоналари ва бутун жамиятнинг муштарак манфаатларига дахлдор масала.

Илмий тадқиқотнинг ҳақиқий қиймати унинг янгилиги билан бирга, жамият эҳтиёжларига қанчалик хизмат қилишида ҳам намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар, тиббиётда замонавий диагностика усуллари, саноатда энергия самарадорлиги, таълимда рақамли ечимлар — буларнинг барчаси илм-фаннинг амалий ҳаёт билан узвий боғлиқлигига мисолдир.

Жорий йилда олий таълим, илм-фан ва инновациялар тизимини такомиллаштириш, жумладан, халқаро даражадаги етакчи университетларни шакллантириш ва илмий кластерлар ташкил этишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш кенг аҳамият касб этмоқда.

Олий таълим тизими жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини шаклантирувчи энг муҳим институтлардан биридир. Унинг вазифаси фақат дипломли мутахассис тайёрлашдан иборат эмас. Олий таълим инсонга мустақил қарор қабул қилиш, муаммоларни таҳлил этиш, жамоада ишлаш, янги билимларни ўзлаштириш ва ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилиятини ҳам бериши керак.

Замонавий олий таълимда назария ва амалиёт бир-биридан узилиб қолмаслиги зарур. Иш берувчилар билан ҳамкорликда ўқув дастурларини такомиллаштириш, талабаларни реал лойиҳаларга жалб этиш, ишлаб чиқариш амалиётини мазмунан бойитиш ва илмий тўгараклар фаолиятини кучайтириш бу борада муҳим аҳамият касб этади.

TIL RAVNAQINING YANGI BOSQICHI

Tugmaxon SIDDIQOVA,
Namangan tumani hokimining ma’naviyat va davlat tili bo‘yicha maslahatchisi.



—Til — millatning shunchaki aloqa vositasi emas, xalqning ruhiyati, tarixiy xotirasi, ma’naviy qiyofasi va mustaqilligining bosh ramzlaridan biridir. Insoniyat tarixi shundan dalolat beradiki, qaysiki xalq ona tilini davr taqozosiga mos ravishda boyitib, uni ilm-fan va yangi texnologiyalar tiliga aylantira olsa, o‘sha millat sivilizatsiya karvonida oldingi saflarda yuradi.

Bugun Yangi O‘zbekistonda davlat tilining ijtimoiy nufuzini oshirish, uning qonuniy maqomini amalda mustahkamlash va tom ma’noda taraqqiyot tiliga aylantirish borasida yangi tarixiy bosqichga qadam qo‘yilmoqda. Biroq har qanday islohotning natijadorligi uning hayotiyligi va zamon nafasi bilan qanchalik uyg‘un ekanligiga bevosita bog‘liqdir.

So‘nggi yillarda alifbo va imlo qoidalarini takomillashtirish masalasi jamoatchilik o‘rtasida qizg‘in muhokama qilinayotgani bejiz emas. Zero, alifbodagi har bir o‘zgarishning asl muvaffaqiyati shunchaki yangi harflarning shaklini belgilab qo‘yish yoki qonun qabul qilish bilan cheklanmaydi.

Alifboning haqiqiy qudrati: bog‘cha va maktab partasidan tortib oliy o‘quv yurtlarigacha; davlat boshqaruvi va rasmiy idoralardan tortib sud va ishlab chiqarish sohalarigacha; bosma kitoblardan tortib internet va elektron platformalargacha bir maromda, izchil va tizimli tatbiq etilishi bilan belgilanadi.

Agar qabul qilingan harf va imlo qoidalari raqamli makonda, klaviaturalarda va dasturiy ta’minotlarda o‘z vaqtida moslashtirilmasa, islohot faqat qog‘ozda qolib ketishi mumkin. Shu sababli yangi alifbo avvalo yosh avlod ongiga, shuningdek, kundalik hayotimizga yengil va to‘siqlarsiz kirib borishi uchun puxta ilmiy-uslubiy mexanizm yaratilishi zarur.

XXI asr — axborot va raqamli texnologiyalar asri. Bugun ona tilimiz taqdiri faqat kitob sahifalari, gazeta tahririyatlari yoki majlis minbarlarida hal bo‘layotgani yo‘q. Zamonaviy dunyoda tilning hayotiyligi uning internet qidiruv tizimlari, sun’iy intellekt algoritmlari, elektron lug‘atlar, ovozni matnga aylantirish tizimlari, elektron hukumat platformalari va mobil ilovalardagi ishtiroki bilan o‘lchanmoqda.

Agar o‘zbek tili raqamli makonda keng va sifatli qo‘llanmasa, yangi avlod — «smartfon avlodi» uchun u ikkinchi darajali, faqat oilada gaplashiladigan tilga aylanib qolish xavfi bor.

Davlat dasturlari, qonun va qarorlar qanchalik muhim bo‘lmasin, agar har bir fuqaro, har bir oila o‘z ona tiliga nisbatan vijdoniy mas’uliyatni his qilmas ekan, kutilgan natijaga erishish mushkul.